

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№БД-5360100-3.06

2018 йил "26" 05



Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги

2018 йил "14" 06

АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси:	600000- Хизматлар соҳаси
Таълим соҳаси:	630000- Атроф муҳит муҳофазаси
Таълим йўналиши:	5630100-Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (фан ва таълим)

Тошкент - 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил "14" "06" даги "63"-сонли буйругининг 10-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2018 йил "26" "05" даги 2 - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон Миллий университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Рахимова Т.У.

Экология кафедраси профессори,  
б.ф.д.

Аллабердиев Р.Х.

Экология кафедраси доценти, б.ф.н.

**Такризчилар:**

Мирзаева Г. С.

ЎзР ФА Зоология институти катта  
илмий ходими, б.ф.н.

Норалиева Н.М.

Андижон давлат университети  
Биология ва экология кафедраси  
муdiri б.ф.н., доцент

Эгамбердиева Л.Ш.

Экология кафедраси доценти, б.ф.н.

Фан дастури Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил 12 12 даги 3 -сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

2005 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг қўшма қарори билан “Республикада экологик таълимни ривожлантириш ва эколог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш истикболлари” Дастури ва Концепцияси қабул қилинди. Шуларга биноан 2010 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш учун таълим дастурига биноан 2011-2012 ўқув йилида олий таълим муассасаларида тегишли бакалаврият йўналишлари бўйича экология, ижтимоий экология, табиатдан фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасига оид ўқув-услубий мажмуаларни такомиллаштириш ва амалга жорий этиш вазифаси киритилган.

Ушбу дастур “Амалий экология” (Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий экология) фани предмети, мақсади ва вазифалари, тарихи, илмий асослари; бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик муаммоларни ечишдаги ўрни, инсон ва уни ўраб турган космопланетар муҳит билан ўзаро таъсир қонуниятлари, инсон соғлиғига атроф-муҳитнинг биологик ва ижтимоий факторларни таъсирини ўрганиш, жамиятнинг экологик функциясини таҳлил қилиш; фanning эколог мутахассис тайёрлашдаги ўрни каби масалаларни қамрайди.

Ушбу дастур “Амалий экология” (Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ижтимоий экология) фани предмети, мақсади ва вазифалари, илмий асослари, ривожланиш тарихи, асосий бўлимлари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги; фanning қишлоқ хўжаликдаги ҳозирги замон муаммоларни ечишдаги ўрни; фanning эколог мутахассис тайёрлашдаги вазифаларини ўз ичига олади “Амалий экология” фани асосий умумкасбий фани ҳисобланиб, 4, 5-семестрларда ўтказилади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

Фанни ўқитишнинг мақсади – талабаларга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг назарий асослари ва амалий масалалари ҳамда инсоннинг зарурий ҳаёт муҳитини таъминлаш ва яхшилаш ҳамда инсон соғлиғига атроф-муҳитнинг биологик ва ижтимоий факторларни таъсирини



ўрганиш ва жамиятнинг экологик функциясини таҳлил қилиш бўйича таълим йўналишига мос равишда билим, кўникма ва малакаларни беришдир.

**Фан бўйича билимга, кўникма ва малакага қўйиладиган талаблар**  
“Амалий экология” ўқув фанини ўзгартириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

Антропоген факторнинг ресурсларга таъсири; ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари; классификацияси, назорат турлари; ресурслардан фойдаланиш кўлами, методлари; режали равишда, стихияли, оқилона, нооқилона, пассив, актив фойдаланиш, махсус фойдаланиш, атмосфералардан фойдаланиш ва назорат; ердан фойдаланиш ва қимёланиши; сувлардан фойдаланиш ва уларнинг профилактикаси, комплекслиги; ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланиш; қазилма бойликлардан рационал фойдаланишнинг асоси- режалаштириш ва баъзорат қилиш принциплари; бошқариш, унинг типлари, асосий принциплари, унинг комплекс ҳолда ёндашуви; экологик ёндашув ва иқтисодий ёндашувни ҳамоханглиги, технологик такоминлашув; ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари. Ўзбекистон республикасининг ресурслардан фойдаланиш қонунлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши; табиий ресурслар классификациясини; табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш методларини; сувларни эксплуатация қилиш усулларини; тупроқлардан оқилона фойдаланиш усулларини; биоресурслар ва қазилма бойликларни режалаштиришни билиши ва улардан фойдалана олиши; ўрмон ресурсларидан оқилона фойдаланишни режалаштириш; экомониторинг усулларини амалда қўллай олиш; биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга доир хулосалар ва олинган натижаларни баҳолаш ва аниқ тақлифлар бериш, инсоннинг ташки муҳит шароитларига мослашиш механизмлари туғрисида, иқлимни инсон соғлиғига таъсири туғрисида, урбанизация ва инсон соғлиғи, эндемик касалликлар, бу маълум жойда баъзи бир қимёвий моддаларни кўп ёки камлиги таъсирининг оқибатларини билиши керак, инсон ва атроф муҳит, соғлом турмуш тарзи, ижтимоий демографик сиёсат, Орол фожияси, экологик маъданият, экологик тарбия ва келажак авлод қаби мавзуларни ўзлаштириш ва мавжуд экологик муаммоларнинг ҳал этилишида олинган назарий билимлардан амалда фойдаланишни билишлари ҳақида илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

**Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва  
услубий жиҳатидан узвийлиги**

“Амалий экология” фани умумқасбий фани ҳисобланиб, 4, 5-  
семестрларда ўтказилади.

Дастурни амалга ошириш учун ўқув режасига режалаштирилган  
гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий (миллий ғоя: Ўзбекистон ривожлантириш  
стратегияси, фуқаролик жамияти, фалсафа) ҳамда математика ва табиий  
(олий математика, информатика, ботаника, зоология, микробиология,  
биология, физика, кимё) фанлар, умумқасбий фанларидан етарли билим ва  
қўникмаларга эга бўлишлик талаб этилади.

**Фанни ўқитишда фойдаланиладиган замонавий ахборот ва  
педагогик технологиялар**

Талабалар “Амалий экология” фанини ўзлаштиришлари учун  
ўқитишнинг илгор ва замонавий усулларида фойдаланиш, янги  
информацион-педагогик технологияларни тadbик қилиш муҳим аҳамиятга  
эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар,  
маъруза матнлари, таркатма материаллар, электрон материаллар, виртуал  
стендлар ҳамда гербарийлардан фойдаланилади. Фаннинг ўқитиш турлари  
дастурда кўрсатилган мавзулар маъруза, лаборатория машғулотлари шаклида  
олиб борилади. Шунингдек атрофлича билим олишни таъминлаш мақсадида  
талабаларга мустақил иш мавзулари ҳам берилади. Фанни замонавий  
педагогик услублар-“Кластер”, “Бумеранг”, “Дебатлар” тарзида ўтиш ҳам  
кўзда тутилгандир. Маълумотлар кўргазмалар ўқув қуроллари, мультимедиа,  
микроскоп, кесмалар препаратлар ёрдамида олиб борилади.

**III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)  
“АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ”**

**I- (Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш)**

**1-мавзу. Кириш. Табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг келиб  
чиқиши. Табиат, жамият ва инсон.**

Табиат ва жамият муносабатлари эволюцияси. Аҳоли сонининг ортиши  
ва унинг билан боғлиқ муаммолар. Инсониятнинг яшаш муҳитлари.  
Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш  
тарихи.

## **2-мавзу. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг илмий-назарий асослари.**

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари, қандай таъминлари. Табиий ресурслар таснифлари, назорат турлари. Ресурслардан фойдаланиш қўлами, методлари. Табиий ресурслардан режали равишда, стихияли, оқилона, нооқилона, пассив, фаол фойдаланиш. махсус фойдаланиш.

## **3-мавзу. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги замон муаммолари.**

Илмий-техника тараққиёти ва табиий ресурслардан фойдаланиш. Табиатга антропоген таъсир ва унинг оқибатлари. Атроф-муҳитга таъсирнинг кучайиши, ресурсларнинг етишмовчилиги, урбанизация ва уларни ҳал қилиш йўллари. Ўзбекистон Республикасида табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг умумий муаммолари.

## **4-мавзу. Атмосфера муҳофазаси**

Атмосферанинг тузилиши ва химоя хусусиятлари. Атмосфера газ балансининг ўзгариши. Атмосферанинг табиий ва сунъий ифлосланиши. Асосий ифлословчи модда ва бирикмалар. Атмосфера ифлосланишининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатлари-озон тўғунлари, кислотали ёмғирлар, смог. Атмосфера ифлосланишини олдини олиш ва камайтириш тadbирлари. Ўзбекистонда атмосферанинг ифлосланиши ва унинг олдини олиш муаммолари. Атмосферани ҳукукий муҳофаза қилиш.

## **5- мавзу. Сув ресурсларидан фойдаланиш**

Гидросфера. Сувларнинг табиатдаги катта ва кичик айланма ҳаракати. Сувнинг биосфера ва инсон ҳаётидаги роли ва аҳамияти. Сувларнинг тақсимланиши ва ундан фойдаланиш муаммолари, профилактикаси, комплекслиги. Ичимлик суви муаммолари. Дунё океани ва уни муҳофаза қилиш масалалари. Сувларнинг ифлосланиш манбалари ва асосий ифлословчи модда ва бирикмалар. Марказий Осиё ва Ўзбекистоннинг сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари. Орол ва Оролбўйи муаммолари. Сувларни ҳукукий муҳофазаси.

## **6- мавзу. Ер ресурсларидан фойдаланиш**

Ер ресурслари тушунчаси. Дунёнинг ер фонди. Ерлардан фойдаланишнинг иқтисодий, экологик, ҳукукий муаммолари. Тупроқларнинг



табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти. Инсоннинг тупроқларга таъсири. Тупроқ эрозияси, тупроқларнинг шўрланиши, ифлосланиши, кимёланиши ва чўлга айланишидан сақлаш. Ўзбекистоннинг ер ресурслари ва улардан фойдаланишнинг экологик муаммолари. Тупроқларнинг ҳукукий муҳофазаси.

#### **7 мавзу. Биологик ресурслардан фойдаланиш**

Ўсимлик ва ҳайвонларнинг биосферадаги роли ва аҳамияти. Инсоннинг биологик ресурсларга таъсири. Ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш. Ўзбекистоннинг биологик ресурслари ва улардан фойдаланишнинг экологик муаммолари. Алоҳида муҳофаза қилиналган ҳудудлар ва уларнинг аҳамияти. "Қизил китоб" ва унинг аҳамияти. Биологик ресурсларни ҳукукий муҳофазаси масалалари.

#### **8- мавзу. Ер ости бойликларидан фойдаланиш**

Ер ости қазилма бойликларини ўзлаштириш ва унинг табиатга таъсири. Қазилма бойликлардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш муаммолари. Қазилма бойликлардан рационал фойдаланишнинг асоси- режалаштириш ва баһорат қилиш принциплари. Ўзбекистоннинг минерал ва хом-ашё бойликларидан фойдаланишнинг экологик муаммолари.

#### **9- мавзу. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш**

Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш, унинг типлари, асосий принциплари. Экологик ёндашув ва иқтисодий ёндашувни ҳамоҳанглиги, технологик такомиллашув. Ўзбекистонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳукукий масалалари. Асосий қонунлар. Экологик жиноятлар ва улар учун жавобгарлик масалалари.

#### **10- мавзу. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва халқаро ҳамкорлик**

Табиий ресурслардан фойдаланиш ва халқаро ҳамкорлик масалалари. Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик ва унинг асосий шакллари. Давлатлараро шартнома, конвенциялар ва уларнинг табиий ресурслардан фойдаланишдаги аҳамияти. БМТ ва атроф муҳит масалалари. Халқаро ташкилотлар ва табиатни муҳофаза қилиш.

## **11- мавзу. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жihatлари**

Табиий ресурслар ҳолатини ўрганиш, тушуниш ва баҳолаш муаммолари. Экологик мониторинг. Экологик экспертиза. Экологик башоратдан. Табиатдан фойдаланиш иқтисодиёти. Табиатдан фойдаланишнинг сиёсий жihatлари. Барқарор ривожланиш концепцияси ва тараққиёт. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиш концепцияси.

## **“АМАЛИЙ ЭКОЛОГИЯ” II-(ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ)**

### **1- мавзу. Кириш. Табиат ва жамиятнинг илмий ва фалсафий концепцияси моҳияти.**

«Табиат - инсон - жамият» ижтимоий: экотизимидаги ўзаро алоқадорлик хусусиятлари. Экология ва экологик муҳит тушунчалари. Биосфера ва ноосфера ҳақидаги таълимот.

### **2- мавзу. Ижтимоий экологиянинг шаклланиши ва ривожланиши.**

Умумий экологиядан ижтимоий экологияга. Ижтимоий экологиянинг ривожланиш тарихи. Ижтимоий экологиянинг предмет ива бошқа фанларга муносабати. Ижтимоий экологиянинг асосий қонунлари.

### **3- мавзу. Инсоннинг ҳаёт муҳити ва унинг асосий элементлари**

Инсоннинг ҳаёт муҳити тушунчаси. Инсон ҳаёт муҳити элементларининг муносабатлари. Ҳаёт муҳити ва меҳнат муҳити муносабатлари. Инсон ҳаёт муҳитининг сифати. Экологик инқироз ва уни бартараф қилиш имкониятлари.

### **4- мавзу. Табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлик тамонллари.**

Асосий методологик тамойиллар. Инсоннинг ҳаёт муҳитига муносабат. Экологик инқироз ва ижтимоий фикр. Барқарор ривожланиш концепцияси.

### **5- мавзу. Экологиянинг ижтимоий муаммолари .**

Экология, маданият ва ахлоқ. Экологик таълим, унинг мақсад ва вазифалари. Экологик таълим турлари. Экологик онгнинг



таълим ва тарбиянинг роли ва аҳамияти.

экологик

Ўзбекистон Республикасида экологик таълим ва тарбияни амалга ошириш муаммолари.

#### **6- мавзу. Инсон ҳаёт муҳитини муҳофаза қилиш ва яхшилаш борасидаги халқаро ҳамкорлик**

Халқаро I ҳамкорликнинг ижтимоий - экологик- жиҳатлари. Халқаро экологик ҳамкорликдаги асосий тенденциялар. Ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорликнинг роли. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-экологик муаммоларини ҳал қилиш борасидаги халқаро ҳамкорлиги.

#### **7- мавзу. Ижтимоий экологиянинг минтакавий муаммолари.**

Минтакавий ижтимоий -экологик муаммоларга умумий тариф. Марказий Осиёнинг асосий ижтимоий-экологик муаммолари. Орол ва Орол бўйи муаммолари. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-экологик муаммолари ва уларни ҳал қилиш масалалари.

#### **8- мавзу. Инсонларнинг турли экоценозлари ва яшаш муҳитлари.**

Инсонларни муҳитга экологик мосланишлари. Организмларнинг экологик омилларнинг таъсирига мослашуви тирик турга ҳосили. Инсонларнинг ва унинг ҳар бир вакилининг физиологик, экологик мутаносиблиги, уларни муҳитда ривожланиш жараёнида юзага келган биоэкологик хусусиятлари.

#### **9- мавзу. Экологик омилларнинг инсон саломатлигига таъсири.**

Атроф-муҳит, антропоген омилларнинг инсон соғлигига таъсири. Табiiй муҳит ўзгаришларининг инсон соғлигига таъсири. Мутаген ва канцероген моддалар таъсири ва оқибатлари.

#### **10-мавзу. Инсон организмнинг иқлимга мослашиши ва ҳарорат экологияси.**

Муҳит ҳарорати ва унинг инсон организмга таъсири. Инсон танасининг физиологик мослашиши, терморегуляция. Махсус физиологик генотомик ва экологик муҳитга мослашиш қобилияти. Инсонларнинг

маданий, ижтимоий ва иқтисодий мослашишлари.

### **11-мавзу. Инсон касалликларининг экологияси.**

Инсонда содир бўладиган турли касалликларни экологик аспекти ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари. Инсон муҳитининг географик фондини ҳосил килувчи элементлари шамол, намлик, ёмғир, ҳаво ҳарорати каби омиллар турли юқумли касалликларнинг тарқалишида сабаб эканлиги.

### **12-мавзу. Инсон популяциясининг демографияси.**

Инсон популяциясининг калинлиги экологик омиллар, таъсирига боғлиқлиги. Яшаш жойининг иқлими, тупроғи, суви, рельефи, шу ернинг симлиқ, ҳайвонлар дунёсининг хилма-хиллиги ва бойлиги яшаш жойидаги табиий бойликлардан фойдаланиш маданияти даражасига: боғлиқлиги. Ер юзида аҳолии сонининг ўсиши, уларнинг табиий муҳитга таъсири, муҳитнинг ифлосланишининг ортиб бориши, табиий бойликларнинг кўплаб сарфланиши инсон саломатлигига турли хавфларнинг тугилиши ва бошқалар

### **13-мавзу. Инсонга таъсир килувчи ҳозирги замон экологик омиллар.**

Инсонга салбий таъсир килувчи экологик омиллар: дарёларнинг тошиши, денгиз океанлар тулкинларининг кутарилиши, атроф майдонларини сув босиши, қирғоқларни ювиб кетиши, қургўкчилик натижасида қишлоқ хужалиқ экинлари ҳосилининг пасайиши, ер қимирлаши натижасида қишлоқ ва шаҳарларнинг бузилиши, инсонларнинг нобуд бўлиши, вулканларнинг салбий таъсири, ўрмонларнинг ёниб кетиши ва бошқалар.

### **14-мавзу. Инсонни табиатнинг экологик ҳолатига салбий таъсири.**

Инсон ўз фаолияти билан табиатга турли салбий таъсирлар кўрсатиши: овчилик натижасида ҳайвонларнинг қамайиши, ерларни ҳайдаш натижасида яйловларнинг бузилиши, ўрмонларнинг кесилиши, экосистемаларнинг бузилиши, табиий бойликлардан кўп фойдаланиш натижасидаги таъсир, геологик қидирув ишлари, саноатнинг таъсири, ўсимлик ва ҳайвон популяцияларидан норационал фойдаланиш натижасида уларнинг қамайиб бориши, биологик хилма хилликнинг қамайиши, чўллашиш жараёнининг қучайиши ва бошқалар.

#### **15-мавзу. Инсон табиатда тирикликни юкотивчи ва тикловчи кувчир.**

Инсон фаолияти таъсирида ер юзида кўплиб флора ва фауна вакиллариининг юколиб бораётгани. Турларнинг юколишида: овчилик(отиш ва тутини), организмлар яшаш жойининг бузилиши(ёгини, ўрмонларнинг кесилиши, ерларнинг узлаштирилиши), ерларни сув босиши, касаллик, табиий офатлар таъсири. Табиатни муҳофаза қилиш қонуни. Биосферадаги тирик организмларни саклаш, уларни келажак авлодларга қолдиришни асосий йуллари. Улар яшайдиган жойларни бузмаслик ва муҳофаза қилиш, кўрикхоналар буюрутмалар, миллий боғлар ташкил қилиш ва ноёб турларни кўпайтириш ва бошқалар.

#### **16-мавзу. Инсон яшаш мухитини муҳофаза қилишнинг экологик ҳукукий асослари.**

Табиат билан инсон, жамият ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ривожланиши давлатнинг ҳукукий қоидаларида қайд қилиниши. Ҳар бир инсон тоза , соғлом ва гўзал табиатдан, табиат элементлари, ер, сув, ўрмон, ўсимликлар қоплами ва ҳайвонлардан фойдаланиш ҳукукига эга эканлиги. Табиатни ривожланиши, табиий ресурслари, ҳаво, сув, ер бойликлари ва бошқалар давлат ва унинг ҳукукий ; ташкилотлари томонидан назорат қилиниши.

#### **IV. Амалий, семинар ва лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотлар касбий тайёргарликнинг муҳим босқичи ва шунинг учун ҳам уни замон талабига мос равишда ўтказиш зарур. Амалий машғулот талабадан амалий экология бўйича олган назарий билимларини амалий тарзда мустаҳкамлаши, чуқурлаштириши ва умумлаштириши ҳамда талабанинг мустақил фикрлаш, воқеликни экологик жиҳатдан таҳлил қила олиш талаб қилинади, ҳамда қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

#### **1-қисм. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАРНИНГ МАВЗУЛАРИ**

1. Табиий ресурслардан оқилонa фойдаланишнинг классификацияси, назорат турлари.



2. Табиий ресурслардан фойдаланиш кўлами, методлари.
3. Тупроқдан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш.
4. Сувлардан фойдаланиш ва уларнинг профилактикаси.
5. Сувларни эксплуатация қилиш усуллари.
6. Ўсимлик ва ҳайвонлар ресурсларидан фойдаланишда қайта тикланиш имкониятлари аниқлаш услублари.
7. Ўрмон ресурслари ресурсларинидан оқилона фойдаланишни режалаштириш;
8. Қазилма бойликлардан рационал фойдаланишни режалаштириш ва башорат қилиш принциплари.
9. Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари.
10. Табиатдан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишнинг иқтисодий самарадорлиги.
11. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари.
12. Экомониторинг усуллари.
13. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланишга доир хулосалар ва олинган натижаларни баҳолаш ва аниқ тақлифлар бериш.

## 2-қисм. ИЖТИМОИЙ ЭКОЛОГИЯ БЎЙИЧА АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА ВА ТАВСИАЛАР

1. Глобал экологик муаммоларнинг ижтимоий жihatлари
2. Аҳолини ҳаёт тарзига экологик факторлар таъсирини баҳолаш
3. Минтакавий экологик муаммолар
4. Марказий Осиё республикалари экологик шароитлари
5. Орол ва Орол бўйи муаммоларининг келиб чиқиш сабаблари
6. Ўзбекистоннинг ижтимоий-экологик муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари
7. Трансчегаравий экологик муаммолар
8. Экологиянинг ижтимоий-иқтисодий аспекти
9. Инсоннинг ривожалинишига ижтимоий-экологик омиллар ролининг таъсири.
10. Инсоннинг ижтимоий-биологик ва экологик имкониятларини мақбул ҳолатга келтириш муаммолари

11. Марказий осий минтакаси биосферасига антропоген таъсир ва ижтимоий экологик муаммоларнинг вужудга келиши
12. «Ижтимоий экология»нинг сиёсий аспекти
13. Табиатдан фойдаланиш ва ижтимоий экологик муносабатларнинг ривожлантириш муаммолари

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар шакли ва мазмуни**

Мустақил иш учун белгиланган мавзуларни талабалар мустақил равишда кўрсатилган адабиётлар ёрдамида ўзлаштириб жорий, оралик назорат шаклида ёки дарсликлардан ташқари вақтда реферат, презентация ёки мулоқот тарзида топширадилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

Амалий машғулотларга тайёргарлик:

- Дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- Таркатма материаллар бўйича маъруза қисмини ўзлаштириш;
- Махсус адабиётлар бўйича фан бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- Талабанинг ўқув, илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фан бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- Фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари руйхати:

### **I-қисм. ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Табиий ресурслар таснифи.
2. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.
3. Атмосферани ифлосланиши ва уни бартараф қилиш йўллари
4. Ўзбекистонда атмосферани муҳофаза қилиш муаммолари
5. Сув ва сувдан фойдаланиш муаммолари
6. Тупроқнинг биосфера ва инсон ҳаётидаги аҳамияти.
7. Ўзбекистоннинг ер ресурсларидан фойдаланиш муаммолари
8. Биологик хилма-хилликни асраш муаммолари
9. Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар

10. Ўзбекистон Республикасида табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммолари.

## **2-қисм. ИЖТИМОЙ ЭКОЛОГИЯ БЎЙИЧА МУСТАҚИЛ ИШ МАВЗУЛАРИ**

1. Ҳаво муҳитини гигиеник характеристикаси.
2. Ҳаво муҳитининг физик хусусиятларини биологик умумсанитар аҳамияти.
3. Сув - соғлиқ фактори сифатида.
4. Ўзбекистонда аҳолини сув билан таъминланишини асосий муаммолари.
5. Республикада сув манбаларини гигиеник характеристикаси.
6. Тупроқни санитар - гигиеник аҳамияти.
7. Тупроқни физико - механик хусусиятларини гигиеник аҳамияти.
8. Инсон саломатлигига пестицидлар ва минерал уғитларни қўл  
ишлатилишида унинг таъсири.
9. Инсон замонавий экологияси.
10. Инсонларни ҳозирги замон яшаш муҳитини тиббиёт аспектлари.
11. Атроф муҳитга организмларни мослашиш механизмида стресс -  
реакцияларни роли.
12. Сайёранинг радиацион фони.
13. Хонадонларда радон газини ва унга қарши чора талбирлар.
14. Стресс - реакцияларни натижалари.
15. Урбанизация ва шаҳар экологияси.
16. Чикиндилар ва уларнинг ижтимоий жihatлари.

## **ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА КУРС ИШИ МАВЗУЛАРИ**

1. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳозирги замон муаммолари
2. Сув ресурсларидан фойдаланиш
3. Атмосфера муҳофазаси
4. Ер ресурсларидан фойдаланиш.
5. Биологик ресурслардан фойдаланиш.
6. Ер ости бойлиқларидан фойдаланиш.
7. Табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш.
8. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва халқаро ҳамкорлик.
9. Табиий ресурслардан фойдаланишнинг экологик, ижтимоий-иқтисодий в  
сиёсий жihatлари.



Изоҳ: Фаннинг ишчи дастурийи шакллантирини жараёнида ўқув режада кўрсатилган соат ҳажмига мос ҳолда мавзудан танлаб ўқитилади. Қўшимча ва ўзгартришлар киритиш мумкин.

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари.**

### **Асосий адабиётлар.**

1. P.C.Joshi Text Book Of Environmental Science. APH Publishing. Jan 1, 2009 - Biodiversity - 306 pages
2. Қаюмов А.А., Рахмонов Р.Н., Эгамбердиева Л.Ш., Хамрокулов Ж.Ҳ. Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш. – Т.: “Iqtisodiyot”, 2014.
3. Бекназов Р.У. Новиков Ю.В. Охрана природы. Ташкент. «Ўқитувчи» 1995.
4. Ergashev A., Ergashev T. Ekologiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent. 2005-422 bet.
5. Эргашев А.Э., Эргашев Т.А. –Инсон экологияси. «Chinor ENK»Т.2009.215
6. Мавришев В.В. –Основы экологии. Минск, 2008, 160 стр.
7. Новиков Ю.В. –Экология, окружающая среда и человек. М., 2000.
8. Эргашев А., Эргашев Т. –Экологическая безопасность. Среда жизни
9. человека «Chinor ENK» Т. 2007. 153с.

### **Қўшимча адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт таракқиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2016.
4. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, катъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак.Тошкент, Ўзбекистон нашриёти, 2017.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ПФ-4947 сон 07.02.2017 й. Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш

бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида

6. Sultonov R.S. Ekologiya va atrof muhitni muhofaza qilish asoslari. T. Musiq. 2007.
7. Турсунов Х.Т. Рахимова Т.У. Экология. –Тошкент., “Chinor ENK” 2006.- 152 бет
8. Константинов В.М. Охрана природы. -М.: 2002.
9. Акимов Т.А., Хаскин В.В. Экология- М.: ЮНИТИ 1998.
10. Отабоев Ш., Набиев М. Инсон ва биосфера Тошкент., «Ўқитувчи», 1995.
11. Экологические основы природопользования -М., 2002
12. Национальная стратегия и план действий по сохранению биоразнообразия Республики Узбекистан. – Ташкент, 1998. – 135 с.
13. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан. Тошкент., 2005., 2008.
14. Охрана окружающей среды (законы и нормативные документы) Выпуск 1 Ташкент., 2000.
15. Реймерс Н.Ф. Природопользование- М.: «Мысль» 1990.
16. Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш–Маърузалар матни. ЎЗМУ Тошкент, 2001.
17. Коган А.Б. – Экологическая физиология человека. 1990. 264стр.
18. Медицинская география и экология человека. М. 1987. 125 стр.
19. Национальный доклад о состоянии окружающей природной среды и
20. использовании природных ресурсов в Республике Узбекистан (2001), Ташкент, 2002.
21. Проблемы экологии человека. М. Наука. 1988. 222 стр.
22. Экология и безопасность жизнедеятельности. Под ред. Муравья Л.А. М., ЮНИТИ, 2000.447стр.

### Интернет сайтлари

1. [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)
2. [www.natl.uz](http://www.natl.uz)
3. [www.nature.uz](http://www.nature.uz)
4. [www.uznature.uz](http://www.uznature.uz);
5. [www.Lex.uz](http://www.Lex.uz).